



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (13.479)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланиши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, улгуржи ва чакана савдо учун чекланган савдо устамалари белгиланди, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган нархларда сотиш тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва боғжона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар мавжуд, жумладан:

биринчидан, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш муддатларини суңий кечиктириш ҳамда ички бозорда таққиликнинг юзага келишига олиб келувчи импорт қилишдаги ортққча тартиб-таомиллар;

иккинчидан, валюта ресурсларидан оқилона фойдаланиш, импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш учун дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжларни белгиланишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, четдан олиб келинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукамал эмаслиги;

тўртинчидан, маҳаллий хомашё ресурсларидан етарли даражада фойдаланилмаслиги сабабли мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг четдан харид қилинадиган хомашё ва материалларга юқори даражада қарамлиги;

бешинчидан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ишидаги камчиликлар, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узулқисз таъминлаш, суңий таққилик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Белгиланган қўйилсинки:
2017 йил 1 августдан бошлаб Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида "Ўзмедэкспорт" республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси (кейинги ўринларда "Ўзмедэкспорт" РТИДК деб юрилади) томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини

дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади;

2017 йил 1 июлгача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади;

тиббиёт махсулотларини сертификатлаштириш фақатгина "Ўзстандарт" агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

"Ўзмедэкспорт" РТИДК Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини 2017 йил иккинчи ярим йиллигида уларга бўладиган қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминласин.

"Ўзмедэкспорт" РТИДКга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш бўйича агентларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўллаш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда "Ўзмедэкспорт" РТИДКнинг омбор ва музлатиш хоналари, шунингдек логистика тармоқларини ташкил этиш бўйича таққиф киритсин.

(Давоми 2-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг "Маҳалла ифтихори" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ғи Қарори мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг яна бир амалий ифодасига айланди.

МАҲАЛЛА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бу Тошкентда маҳалла институтини такомиллаштириш муносабати билан миллий қўнунчилиққа киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатда алоҳида таъқидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва мавқеини оширишга устувор аҳамият қаратаётганини таъқидлади. Ҳаракатлар стратегияси бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ғи қўнун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қўнун лойиҳасида маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда фуқаролар йиғини кенгаши тарқибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари, ҳудуд профилактика инспектори, таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникалар раҳбарларини киритиш, ҳар чоракда фуқаролар йиғини кенгашида уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш амалиётини ҳуқуқий мустақамлаш кўзда тутилмоқда.

Таққиф этилаётган қўнун лойиҳаси иштирокчилар томонидан муҳожама этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш, маҳалла ишига жамоатчилиқни фаол жалб қилиш, айниқса, ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилаётгани давлат ва "учинчи сектор" ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлиқнинг янада ривожланишига хизмат қилиши таъқидланди. Фуқаролар йиғинларида ташкил этилган комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш, бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш зарурлиги билдирилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Пойтахтимизнинг
Ғафур Ғулом номидаги
маданият ва истироҳат
боғида ўтказилган
"Мустақил юрт
хўнамандлари"
IX аънавий миллий
хўнамандлик ва
амалий санъат
маҳсулотлари
кўргазма-савдосида
20 дан ортқ
йўналишдаги
маҳсулотлар намоиш
этилди.

МИЛЛИЙЛИКНИНГ МАФТУНКОР ЖИЛОЛАРИ

Боғ йўлақларида ташкил этилган кўргазма-савдода бир-биридан чиқиб келган сифатли каштадўзлик, ганчкорлик, қошиқкорлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, заргарлик, миллий либослар, қандакорлик маҳсулотлари ўрин олган.

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган кўргазма "Хўнаманд" уюшмаси ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирга мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, турли ташкилот ва идоралар ходимлари, хўнамандлар, журналистлар таққиф этилди.

"Хўнаманд" уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи А.Ҳақимов, Ўзбекистон халқ устаси О.Файзуллаев ва бошқалар хўнамандлик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришга қаратаётган эътибор соҳа ижодкорларини фаолликка ундаб, улар томонидан яратилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаши билан бирга, юртимиз тариқаси ва фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилаётганини таъқидлади.

– Уюшма 20 мингга яқин хўнамандни бираштираган, – дейди Ўзбекистон халқ устаси Асрор Мухторов. – Беш мингга яқин хўнамандлик устасида "уста-шогирд" мактаблари ташкил этилиб, 2016 йил ва жорий йилнинг ўтган



даврида 12 минг йигит-қизга хўнамандликни ўргатилди. Албатта, хўнамандликнинг оғушманд бўлган бундай ёшларни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш хайрли иш. Халқ хўнамандлиги ва амалий санъатимизнинг ноёб турларини қайта тиклаш, янги намуналарини яратиш, ёшларни хўнамандликка жалб қилиш ва уларни миллий қадриятларимизга ўрнат руҳида тарбиялаш борасида уюшма томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш истеъодларни аниқлаш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишда бу каби кўргазма-савдолар, танлов ва фестивалларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллик йиллари хўнамандларга том маънода имкониятлар эшигини очди, улар сафини кенгайтирди, изланиш ва ижодга ундади. Бунда, айниқса, қошиқкорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик ва қандакорлик йўналишларида муваффақиятларга эришилди. Ипак ва пахтадан тайёрланган газламалар, кашта ва гилам тўқиш учун мўлжалланган иплар, қўлоллик буюмлари ва қошиқкорлик маҳсулотларини бўяш борасида олиб борилган изланишлар натижасида ўсимликлардан табиий ранг олиш технологиялари яратилди.

– Гилам тўқишда фойдаланилган нақшларни ўрганиш ва қайта тик-

лаш асосида олти турдаги гилам маҳсулотларини харидорларга етказиб бермоқдамиз, – дейди ЎЗА муҳбирига бойсуниқ тадбиркор Мафтуна Азизова. – 38 турдаги нақшларни момоларимиздан ўрганган бўлсак, бу йил яна етти турдаги нақшни қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Жундан тўқилган эркак ва аёллар либослари, сумкалар, Бойсун дўппилари ҳам жуда харидорбор.

Мафтуна Азизова келажакда "Ёш хўнамандлар" мактаби, интернет-онлайн савдо дўконини ташкил этиш бўйича режаларини гапириб турганда, суҳбатимизга Сўрхондарё вилояти Термиз туманидаги "Остона гиламчи" оилавий корхонаси раҳбари Дилафрўз Валлаева қўшилди.

– Мен Ўзбекистоннинг туркман қизиман, – дейди у. – Шу юрт фарзанди бўлганимдан гурурланаман. Чунки жаннатмонанд юртда аҳлиноқ яшаб, истеъдод ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча қўлайликлар мавжуд. Ўн ишчи билан жун, ипак ва пахтадан 30 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Бу галги кўргазма-савдода жун ва ипакдан тўқилган гиламлар, аёллар сумкаси, сувенир маҳсулотлари билан иштирок этдик. Ўтган йили 39 миллион сўм соф даромад олдик. Жорий йилда 287 миллион сўмлик маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқаришни режалаштирганмиз.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА




• "Навоий" эркин иқтисодий зонасида фаолият бошлаган тадбиркорлик субъектларига гувоҳномалар топшириш маросими ўтказилди. Президентимиз жорий йил март ойида Навоий вилоятига таширифи давомида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди, ечимини кутаётган муаммолар хусусида фикр билдирди, зарур кўрсатмалар берди. Тадбирда ўтган даврда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

• Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида китоб ярмаркаси ташкил этилди. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими вакиллари, вилоят ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари, нурунийлар, ёшлар иштирок этган ярмаркада кам таъминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига миллий ва жаҳон адабиётини намуналари жамланган китоблар тўплами совға қилинди.

• Самарқандда ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида аънавий ўтказиб келинаётган "Сиз қўнунни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қўнунлар ҳақидаги билиминини мустақамлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда танловнинг қўйи босқичларида голиб бўлган 14 жамоа иштирок этди.

• Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани "Оталиқ" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган маданий-маърифий тадбир "Жаҳолатга қарши маърифат билан" деб номланди.Тадбир доирасида "Жаҳолатга қарши маърифат", "Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?", "Баркамол ёшлар – кўпмиллатли Ўзбекистон келажиги" мавзуларида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, шахмат-шашка ва футбол мусобақалари ўтказилди. Фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



• Японияда жазирама сабаб 608 киши шифохоналарга ётқизилди, улардан икки нафарининг аҳволи оғир. Япониянинг 47 префектурасидан 45 тасида шу ҳол кузатилган. Энг кўп жабрланувчи – 62 киши Токиода қайд этилган. Пойтахт ҳудудида ҳаво ҳарорати +33,7 даражагача кўтарилган. Бироқ бу мамлакат бўйича энг юқори ҳаво ҳарорати эмас.

• Мадриднинг "Реал" жамоаси футболчиси Криштиану Роналду 2017/18 йилги мавсумда ҳам ушбу клубда тўп суришини маълум қилди. Гап шундаки, 16 июнда ушбу футболчи "Реал"дан кетиш ниятида эканлигини билдирган, бунга сабаб сифатида эса "Реал" солиқ қўнунбузарлиги тўғрисида очилган ишда ҳужумчиға лозим даражада қўмак бермаётганилиги кўрсатилганди.

• Хитойнинг Анхой вилоятида дарёлар, қўллар ва денгизларда мустақил ҳаракатланадиган илк ҳайдовчисиз кутқарув катери сувга туширилди. Кутқарув дрони бортида инфрақизил сенсорларга эга камералар ўрнатилган бўлиб, қайик унинг ёрдамида сувда ҳаракатланувчи кишиларни излаб топиши мумкин. Катер аввал барча сузаётган кишиларни аниқлайди. Агар қимдир узокроқ масофага сузиб кетса, катер у қаерда жойлашганини дарҳол аниқлашга ҳаракат қилади, маълумотлар йиғида ва фавқулодда кутқарув марказига оғоҳлантириш белгисини юборади ҳамда кутқарувчилар гуруҳини чақиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Белгилансинки, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида қайта расмийлаштиришлари шарт.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини 30 тага оширган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2 нафар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида 4 нафар штат бирлигидан иборат дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (А.Шаҳматов) икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тузилмаларига ўзгартишлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзфармсанот" ДАК билан биргаликда бир ой мuddатда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини танқидий қайта кўриб чиқиб, натижаси бўйича шифокорнинг қатъий рецептига асосан сотиладиган дори воситаларини рўйхатга киритиш орқали уни келгусида заруратга қўра янгилашни инobatта олган ҳолда мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда касалланиш, беморлар сони, даволаниш курслари ва бошқа мезонларни инobatта олган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг самарали методологияси, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идоралар, фармацевтика корхоналари ва улгуржи ташкилотларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни етказишни назарда тутувчи Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси бир ой мuddатда белгиланган нархни шакллантириш жараёнига курс фарклари ўзгартиришнинг таъсирини камайтиришни назарда тутган ҳолда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА
ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Фуқароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жумладан улгуржи савдо учун – сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса – улгуржи нархнинг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо ус-тамалари белгиланди.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Шу билан бирга, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар кузатилмоқда, жумладан:

амалдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш мuddатларининг сунъий кечиктирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзага келишга олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг прогност қилиш имконини бермаяпти;

импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқариладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукамал эмаслиги кузатилмоқда;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хомашёси ва материалларига юқори даражада қарамлигини юзага келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассисларни жалб этган ҳолда бир ой мuddатда "Ўзфармсанот" ДАК ва унинг тизимига кирувчи корхоналарнинг фаолиятини, шу жумладан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархлари шаклланишини, шунингдек корхоналарни ишлаб чиқарувчи деб тан олиш учун маҳаллий хомашёдан фойдаланиш даражасини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари штат ҳадвалини тасдиқласин ҳамда олий фармацевтика маълумоти ва фармацевтика соҳасида камидан уч йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, "Ўзэлтехсанот" АҚ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой мuddатда дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихоналар манзиллари ва қонунбузилишларга бевосита алоқадор ходимлар (прови́зорлар, фармацевтлар)нинг барча учун очик бўлган ягона реестрини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар ойда дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида ўзининг ижтимоий дорихона тармоқларини ташкил этиш;

фуқаролар томонидан дори воситалари назоратсиз қўлланилишининг, шу жумладан дори воситаларини фақатгина шифокорлар рецепти асосида сотиш тўғрисидаги талабларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш орқали олдини олиш, Рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари бундан мустасно;

шифокор рецепти бўйича бериладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситаларининг сотилишини мониторинг қилишни таъминловчи ахборот тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (А.Н.Юнусходжаев) ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ва республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини улар билан таъминлаш аҳолини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этсин.

Ишчи гуруҳи мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган нархларга риоя қилишнинг аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 17 июльОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИНИНГ БОШ
МЕЗОНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табригида "...Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда қов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши мurosасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман", дея алоҳида таъкидлагани соҳада меҳнат қилаётган барчага ўз фаолиятига танқидий назорат ташлаб, замон талабига мос, янгича ёндашуш, янгича руҳ билан ишлаш лозимлигини эслатиб туради.

Миллий матбуот марказида давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар ижросига бағишланган давра сўҳбати "Ўз масъулият, гражданлик позицияси, маънавий жасорат – журналист фаолиятининг бош мезони" мавзусида бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган табдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқаро пресс-клуб, марказий оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети вакиллари, журналистлар ва ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати масъул ходими З.Эргашев, Халқаро пресс-клуб раиси Ш.Қудратхўжаев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазраткулов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани, бугунги кунда барча соҳаларда янги босқичда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини одамларга тушунириш, улардаги Ватан тараққиётга хизмат қиладиган барча сай-ҳаракаларда дахлдорлик ҳиссини янада оширишда соҳа ходимлари ҳар доимгидагина масъулият, фидойилик билан меҳнат қилиш лозимлигини таъкидлади.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Бунга юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Глобал тармоқда Uz домени веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошди. Бу ресурсларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатггани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – интернет журналистлари шаклланиб бораётганини кўрсатади.

Табдирда ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасида аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омиллари очиб бериш каби вазифалар оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топмаётгани айтиб ўтилди. Бу борада ижобий натижаларга эришиш учун нималарга қўпроқ аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

И. АВВАЛБОВ

ИСЛОХОТ САМАРА
БЕРМОҚДА

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: ислохотлар самараси" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Ақромов ва бошқалар мамлакатимизда тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг бундан республика идоралар томонидан таъкидлангани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Тазукур комиссиянинг ташкил этилиши орқали ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳада мавжуд муаммолар ўрганилди.

Профилактика кўни табдирларида ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, жамоатчилик вакиллари катнашмоқда. Юзага келаётган турли муаммолар ўрганилиб, бартараф этилмоқда. Содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тезкор фоз этилмоқда.

Профилактика кўни ўтказиш бошлангандан буён паспорт-виза тартиби текширувлари жараёнида ҳуқуқбузарлик қилгани аниқланган 1 минг 800 га яқин хонадон эгаси, 32 мингдан ортиқ ижарада яшовчига нисбатан қоралар қўрилди. 2 минг 500 дан ортиқ сайёр суд ўтказилди, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, мулкнинг турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилди.

Профилактик тадбирларни самарали ва мазмунли ташкил этиш мақсадида 200 мингдан ортиқ хонадон ўрганилди. Оила-турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама этилди. Натижада 10 минг оилавий низо қайтарилди ва оила-лардаги нотинчликларга барҳам берилди.

Профилактик тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сезиларли даражада пасайгани қайд этилди. Табдирда юзлаб мамлакат ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ёш мавсумида қўрилиш ҳавзаларида болаларни назоратсиз қолдирмаслик масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

Маълумотларга кўра, бугун пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2 минг 375 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) мавжуд бўлиб, улар томонидан 9 минг 155 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда ширкатлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида бу соҳада бир қадар олдинга силжиш кузатиляпти. Шундай ширкатлар борки, улар фаолиятига ҳавас билан қараса бўлади. Айниқса, бир кўпқаватли уйни олиб, унинг ўзини, атрофини чиннидай тоза-озода сақлаётган ХУЖМШлар иши – мақтовга лойиқ.

Яқинда давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Учтепа туманида бўлганларида “Ватанпарвар” маҳалласидаги “Ватанпарвар иноқ коммуналчи” ХУЖМШ фаолияти билан танишиб: “Қани эди, ҳамма ширкатлар ўзига қарашли уйлари мана шундай чиройли, обод қилиб қўйса, нур устига нур бўлар эди”, – деди.

– Бундай муваффақиятга ҳамжиҳатлик билан эришдик, – дейди “Ватанпарвар иноқ коммуналчи” ХУЖМШ раиси Светлана Орлова. – 2010 йилгача уй бошқарувчиси эдим, “Дилкушо-2” ширкатидан ажралиб чиқиб, мустақил иш бошладик. Аҳоли билан маслаҳатлашиб, битта уйни алоҳида ширкатга айлантирдик. Жамоани шакллантирдик. 2 нафар бошқарув аъзоси, 1 нафар юрист, 3 нафар тафтиш комиссияси аъзоси, 4 нафар йўлак бошлиғи билан биргаликда иш бошладик. Уйимиз – 5 қаватли, 4 йўлак, 60 та хонадондан иборат турли миллатга мансуб жами 227 киши истиқомат қилади. Бизда юртимиздаги барча байрамлар ахилликда ўтказилади.

Айтиш жоизки, 2010 йилда ташкил этилган ушбу ширкат тумандаги намунали ХУЖМШларидан бири. Ширкат жойлашган 38-уйнинг кириш йўлакларига замонавий услубда таъмирланган. Уйга туташ ҳудуд ободонлаштирилган. Кўп қаватли уйнинг олд қисми ва йўлакларига видеокузатув камералари ўрнатилган. Коммунал тарифлар одамлар учун қулай нархларда ишлаб чиқилган.

Ширкатнинг ўз маблағи ҳисобидан уч йил илгари уйнинг том қисми мукамал таъмирланди, йўлакларига замонавий эшиклар ўрнатилди. Уй олдида қурилган автотураргоҳ шу ерда яшовчи аҳолига бепул хизмат кўрсатади. Турли аттракционлар, ўйин қурилмалари ўрнатилган майдонча болаларга хизмат қилади.

– 38-уйнинг 36-хонадонидан 10 йилдан бери истиқомат қиламиз, – дейди Феруза Сайргүлова. – Ширкат ишидан хурсандимиз. Шу боис коммунал хизмат ҳақини вақтида тўлаб борамиз. Илгари бунақа эмасди. Кўчиб келганимизда муаммолар кўп эди.

– Маҳалламизда 22 та кўпқаватли уй мавжуд. Уларга 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат қилади. 5 минг 800 дан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамлакат Ҳамидова. – Биздаги “Олий сифат коммунал”, “Ватанпарвар Дилкушо”, “Дилкушо”, “Дилкушо-1”, “Шодлик сервис плюс” ХУЖМШла-

ри ҳам айни пайтда ўз фаолиятларини яхшилаш борасида тинимсиз иш олиб бормоқда.

“Ватан” маҳалласида жойлашган 41-уй 38-уйга қўшни бўлиб, у “Хумо сервис” ХУЖМШга қарайди. Ширкатга Дилбар Жабиева етакчилик қилади. Унинг айтишича, улар ҳам қўшни ширкат ишидан ўрнак олиб, атрофини ободонлаштирмоқда.

– Маҳалладаги барча ишлар ҳамжиҳатликда ташкил этилади, – дейди “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раъно Холматова. – Котибамиз Муҳайё Эшоннова, маҳалла посбони Жавлон Эгамбердиев ва бошқа фаоллар раис билан биргаликда иш олиб боради.

38-уй ёнидаги болалар майдончаси, ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Светлана Орлованинг ўзи расом – дизайнер.

“Ватанпарвар иноқ коммуналчи” ХУЖМШ фаолияти билан танишиб: “Ишласа бўлар экан-ку!” – деган ўй хаёлингиздан ўтади. Илгари ширкатлар ҳақида гапирганда кўпроқ салбий фикр билдириш мумкин эди. Бу ширкат ишини кўрганингиздан кейин фикрингиз ўзгаради.

Бундай обод ширкатларни пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, Чилонзор туманининг “Марказ” мавзесидан 38-ханда 39-кўп қаватли уйлар ва уларга хизмат

ди биз билан суҳбатда “Чин бахт сервис” ХУЖМШ раҳбари Роза Дубавикина. – 2004 йили алоҳида ажралиб чиқиб, уй аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда ўзаро аҳилликда иш олиб бордик. Банкдан кредит олмасдан ўз кучимиз билан таъмирлаш ишларини амалга оширдик, домофон қўйдик, видеокузатув мосламаларини ўрнатдик. Мана, кўриб турибсизлар, ҳамма ишларимиз – жойида.

Аксинча, ҳамжиҳатлик бўлмаган ерда ҳамма ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолаверади. Шундай маҳаллалар борки, одамлар ўзлари яшаб турган кўп қаватли уйни таъмирлаш, атроф ҳудудни ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги “Шайхонтоҳур” маҳалласига борганимизда 29-, 30- ва 31-кўп қаватли уйларда ҳам аҳвол яхши эмаслигининг шохиди бўлди. Хароб аҳволга келиб қолган мақкур уйларга шу вақтга қадар жиддий эътибор қаратилмаган. Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилганидан кейингина таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланган.

– Қўлимиздан келганича ертўладаги қурувларни қисман алмаштирган эдик. Давлатимиз ёрдами билан хар битта ширкатга катта суммада кредит ажратилиб, аҳолига шароит яратиб бериш бошланди, шу асосда кўп иш қилинган, – дейди “Мардона Файз” ХУЖМШ раҳбари Мардона Шорахмедова. – Илгари ҳам оз миқдорда кредит олардик, битта иш қилсак, бошқа ишимизга етмасди. Мана, бу йил ертўланинг ўзига 44 миллион сўм кредит олиб, замонавий плас-

Яқиндагина ушбу уйда тузилган ширкатга мени раҳбар этиб сайлашди. Ишларни энди бошлаймиз.

Бу уйда яшовчи аҳоли фикри билан қизиқганимизда, аксарияти ўзларини олиб қочишди. Бироқ улар орасида бўлаётган хайрли ўзгаришларни англаб етган одамлар ҳам бор экан.

Таассуфки, баъзи ҳудудларда одамлар катта маблағ эвазига қилинаётган эзгу ишларнинг қадрига етишмаяпти. Масалан, Юнусобод туманининг 17-мавзедаги 1-кўп қаватли уйнинг ҳолати – аянчли. Холбуки, бу уйнинг йўлакларини таъмирдан чиқарилганга бир йил ҳам бўлмаган. Бироқ бу ерда яшовчиларнинг бепарволиги туфайли йўлак таъмирига салбий таъсир етказилган. Кодли қулфлар ҳам аллақачон бузилган. Мухтасар қилиб айтганда, уй йўлакларининг ўтган йилги таъмири бир йилга бора-бораси ачинарли аҳволга келиб қолган. Ахир, амалга оширилган яхши ишларни асраш ҳам керак-ку!

Худди шунга ўхшаш ҳолатни юқорида тилга олганимиз Шайхонтоҳур туманидаги “Шайхонтоҳур” маҳалласида ҳам учратдик. Шу маҳалладаги 29- ва 30-кўп қаватли уйлар олдида ўтган йили болалар учун баскетбол майдончаси бунёд этилган эди. Ҳали бир йил ўтмасдан ушбу майдонча ачинарли аҳволга келиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ёки “Қоратош” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги 17-кўп қаватли уй ёнидаги болалар майдончаси қуриб битказилганига ҳали 2 йил ҳам бўлмади. Бироқ ушбу майдончадаги аргимчоқлар аллақачон синиб, баъзилари ишдан чиққан.

Албатта, бундай ҳолатларни кўриб, ачинасан киши. Қачон ҳамжиҳат бўлиб, ўз уйимизни ўзимиз асрашга ўрганамиз? Ёки гап уларга бош бўлган маҳалла фаоллари ва ширкат раҳбарларида қолганми? Бу ерда яшовчи давлат ташкилотларида ишлайдиган мутасаддилар ҳам маҳалла аҳлининг бошини бириктирмас экан, ободончилик ишлари чаларим қолаверади.

Маълумки, ҳар “Шанба – озодалик куни” деб, эълон қилинган. Айрим жойларда ўз ҳудудини обод қилаётганларга кўзингиз тушса, бироқ баъзи яшовчилар – ҳали-ҳамон уйқуда!

Аслида, бировдан эмас, ўзимиздан ўқалашимиз керак. Ҳамма ишларни мутасадди ташкилотлар қилариб, одамларни боқимандаликка ўргатиб қўйдик чоғи. Натижада кўпчиликда ташаббускорлик кўринмайди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Турар жойларимиз, кўчаларимиз, дам олиш жойлари ва болалар ўйингоҳларини ҳар қим ҳар қили асраши керак. Лекин, афсуски баъзи жойларда ҳўжакўрсин қилинаётган ишларга ҳам кўзимиз тушиб, дилимиз хира бўлади. Кўпинча туман, шаҳар мутасаддилари ҳудудларга боришидан “тезкор ҳабар” топганлар олдиндан елиб-югуриб гўёки номигагина ҳамма жойларни саранжом-саришта қилиб қўйишади. Кейин эса яна барча ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолаверади. Ахир бир ҳафтадан кейин бу жойларни яна чиқинди босса, ўйингоҳдаги анжомлар синдириб ташланса қимни айблаймиз. Мана шу иллатнинг одагга айланишининг олдини олишимиз керак. Чунки, ҳўжакўрсин учун қилинадиган иш ҳеч қимга керак эмас. Баъзи ширкатлар ҳам хайбарақаллачиликка ўрганган. Бироқ бундай ободончилик ишлари вақтинчалик эканлигини ўйламаймиз. Холбуки, сансалорлик қўлмасдан турар жойларимизни ҳамжиҳатликда обод ҳолда сақлаб, тоза-озода этсак бундан фақат ўзимиз фойда кўраемиз. Ана шу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Биз ҳозирча фақат шаҳримизнинг айрим туманларидаги ширкатлар фаолиятини ўргандик, ютуқ-камчиликларини таҳлил қилдик. Албатта, муаммолар ҳам оз эмас. Биринчи навбатда ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз, озода сақлашимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, ўз уйи атрофини тоза сақлаб ўтирганларга: “Барақалла!” – дейишади. Аммо бепарво, тайёр қуриб берилган нарсаларни ҳам асрамаётганларга қандай баҳо бериш мумкинлигини ҳам билмайди, киши. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган масканни обод қилишга ва озода сақлашга ҳисса қўшмас экан, муаммолар ҳам ҳеч қачон барҳам топмайди. Шундай экан, ободлик ва саришталик кунда керак.

Жасур ЭЛИМОВ

Фармон ва ижро

ЁШЛАРГА ТАЯНЧ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси фаол ёшларининг амалий семинари ҳамда Федерация раҳбарияти билан учрашувида Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 30 июнь кунини бўлиб ўтган IV қурултойида белгиланган вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қ.Рафиқов ва бошқалар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг орзу-мақсадларини юзага чиқариш йўлида барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган маърузаси ҳамда 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашда янги даврни бошлаб берди.

Амалий семинарда касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, истеъдодли ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини мустаҳкамлаш, бандлиқни таъминлашга қўмаклашиш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни кучайтириш юзасидан устувор вазифалар муҳокама этилди.

– Илм-фан равнақи юрт тараққиётининг асосий мезонларидан бири, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳуқуқшуноси Хушнуд Худойбердиев. – Бинобарин, олий таълим муассасалари ўртасида интеллектуал олимпиадалар, беллашувларни кенг йўлга қўйишда касаба уюшмалари асосий ташкилотчи сифатида қатнашса, билим олишга чанқоқ йигит-қизлар учун ўзига хос рағбат бўлар эди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бош келишувга, шунингдек, унинг асосидида тармоқ ва ҳудудий келишувларга ёшлар манфаатини таъминлашга оид янги бўлим ва бандлар киритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Унга кўра, давлатимиз раҳбарининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги ишлар белгиланган бўлиди.

Касаба уюшмалари федерациясининг ёшлар билан ишлаш тузилмасини такомиллаштириш тақлифи маълумланган, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг ёшлар бирлашмаси ташкил этилди. Ёшлар бирлашмаси раисига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси мақоми берилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси К. Қуронбоев сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Реклама ва эълонлар

• Яшнобод тумани, Алимкент 1-тор кўчаси, 2-ўй манзилида жойлашган Яшнобод тумани “Бандлик-ка қўмаклашиш маркази”га тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 2009 йил 23 июль кундаги №4-370/2009-сонли реестр рақами билан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОКШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуот-чилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ширкатлар фаолияти: ютуқ ва муаммолар

ОБОДЛИК ВА САРИШТАЛИК КУНДА КЕРАК

кўрсатувчи “Чин бахт сервис” ХУЖМШ фаолиятида ҳам ҳамжиҳатлик-самараси яққол кўринади. Ширкат ва аҳоли бамаслаҳат иш тутиб, кириш йўлакларидан тортиб, ертўлагача намунали холатга келтирилган. Болалар майдончаси ҳам – ҳавас қиларли даражада. Энг муҳими, аҳоли ҳам атрофини тоза-озода тутишга, йўлаклар эшикларини, болалар майдончасидаги ўйингоҳни асраб-авайлашга одатланган.

– Бу ерда кечки пайт болалар мазза қилиб ўйнашади, аргимчоқ уйишади, биз катталар ишдан кейин фаввора атрофида ўтириб дам оламиз, – дейди шу уйда яшовчилардан бири Носир Раимов.

Эътиборли жиҳати шундаки, ширкат бу ишларнинг барчасини ўз маблағи ҳисобидан бажариш имконига эга бўлган. Чунки аҳоли ширкатга коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга ўрганган.

– Ораста уйимизга ташриф буюрган узок-яқиндан келган меҳмонлар ҳам бизга ҳавас билан қарашади, – дейди фуқаро Настя Саидмамудова.

– Илгари бир неча уйга хизмат қилувчи ширкатга қарар эдик, – дей-

тик қурувлар қўйиб чиқдик. Бундан ташқари, эски деразалар ўрнига янги-янгилари ўрнатилди. 29-уйнинг томи таъмирланди.

Рост-да, уй атрофини тоза, озода сақлаш учун ҳам қайси-бир ташкилотга кўз тикиб ўтириш шартми? Ёки айрим фуқаролар чиқиндини йўлакларга атайин қўйиб кетишади. Маҳалла ёки ширкат раиси буларнинг кетидан қорувулик қилиб юрмайди-ку!

Инсон ўзгаришини, аввало, ўзидан бошлашга, четдан қимдир келиб уни ўзгариштириш – қийин масала. Бунга Шайхонтоҳур туманидаги “Лабзак” маҳалласи фуқаролар йиғинидаги 1“А”-уйда ҳам гувоҳ бўлдик. Бу ерда ўтган 5 йил мобайнида ширкат деярли фаолият юритмаган. “Навбахор” ширкати коммуналчи” ХУЖМШ раиси Ҳафиза Собиржонова куйиниб шундай дейди:

– Мақкур уй аҳли – бир неча йилдан буён ширкат тузишни кейинга суришган эди. Натижада қатор муаммолар йиғилиб қолган. Йўлаклар ўйилиб, ертўлага сув тўлган, хатто, одамлар ўтган киш мавсумида бир ой иссиқлик тизимидан узилиб қолди.

Саришта ва ораста манзаралар



Чилонзор тумани, “Навбахор” маҳалласида жойлашган 39-уй йўлаги.



Учтепа туманидаги “Ватанпарвар” маҳалласи ҳудудидан “Ватанпарвар иноқ коммуналчи” ХУЖМШ томонидан бунёд этилган болалар майдончаси.



Миробод тумани, “Салар” маҳалласидаги 19-уйнинг йўлакларидан бири.

Ноҳуш ҳолатлар



Юнусобод тумани, 17-мавзеда жойлашган 25-уйнинг 4-йўлагининг аҳволи



Яшнобод тумани, “Наврўз” маҳалласи ҳудудидан 18-уй ёнидаги болалар майдончасининг ҳуқуқ ҳолати.



Шайхонтоҳур тумани, “Обиназир” маҳалласидаги 26-уйнинг 4-йўлагидан ноҳуш ҳолатлар.

Кейинги вақтда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказишни таъминлаш, келажагимиз ворисларининг турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг терроризм, диний экстремизм иллатларига йўлиқишларининг олдини олиш ҳақида матбуот, телевидение ҳамда радиода бот-бот гапирляпти. Ёшларнинг китоб ўқишга, турли касб-хунар сирларини ўрганишларига даъват қилинапти.

Дилдаги гаплар

БОЛАЛАР СПОРТИ ЯНАДА ОММАЛАШАДИ

Бу яхши албатта. Аммо, шу билан бирга ёшларнинг жисмоний бакуват бўлишларига эришиш ҳам бу борада катта самара бериши ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун болалар спорти ривожига янада катта эътибор қаратиш жоиз. Чунки спорт билан мунтазам шуғулланган болалар аввало, жисмонан бакуват, маънан етук бўлиб вояга етишади. Муҳими, ёшларнинг жинсий иш ёхуд ғийҳвандлик билан шуғулланишга, диний экстремизмлар, террористлар таъсирига тушиб қолишга бўш вақти бўлмайди. Аввало, кўп китоб ўқиган, спортга дўст тутинган ўсмир ёт ғояларнинг салбий оқибатини тезда англаб етади ва иллатлар ботқоқига ўралашмайди.

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда болалар спортини оммалаштиришга жиддий эътибор қаратила бошланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа хомий ташкилотлар ёрдамида юртимизнинг ҳар бир таълим муассасаларида спорт заллари, майдончалари, футбол стадионлари бунёд этилди, айримлари қайта таъмирланди. Мамлакатимизнинг ҳар бир бўлишида болалар учун спорт мактаблари қурилиб, замонавий тарзда қайта жиҳозланиб ёшларга хизмат қилаётганлиги қувонарли ҳол. Болалар спортини оммавийлигини оширишга қаратилган уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда “Универсиада” мусобақаларининг жорий этилганлиги туфайли кўпгина ёшларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги турнирларда, балки Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларида ҳам шохсупанинг энг юқори поғоналарини забт этаётганликларига, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликларига аллақачон ўрганиб қолдик. Бу дилларга гурур бахш этади.

Аммо, болалар спортини янада ривожлантириш ҳамда оммавийлигини ошириш борасида бажарила-



диган ишлар салмоғи жуда кўп экан. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори яққол исботлаб турибди.

Бугунги кунда аҳолининг барча қатлами вакиллари жисмоний тарбия ва оммавий спортга қизиқириш муҳим вазифа ҳисобланади. Хусусан, серкуёш диёримизнинг нафақат марказий, балки чекка ҳудудларида ҳам жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг оила ҳаётида катта аҳамият касб этиши сир эмас. Шу боис ҳам етуклигининг асосий шартларидан бири сифатида спортни кенг тарғиб этиш, ёшларга ўз қобилиятларини рўйбга чиқаришлари учун имконият яратиш зарур. Ёшлар орасидан спорт соҳасида энг иқтидорлиларини саралаб олиш, уларни профессионал спортчи сифатида тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларида ечимини қутаётган айрим муаммолар ҳам борлиги сир эмас.

Қолаверса, қатор спорт муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермайди. Спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси ҳам пастлигича қолмоқда.

Шунинг учун ҳам қарорда спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш, спорт иншоотларини ўсқуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш, хусусий секторни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш муассасаларини илмий-ўқувий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, спорт масканларини малакали мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан таъминлаш, аҳолининг кенг қатлами вакиллари, талабалар, ўқувчи-ёшлар ўртасида жис-

моний тарбия ва оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, иқтидорли спортчиларни саралаб, уларни профессионал спортга мақсадли тайёрлаш, спорт мусобақаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш чора-тадбирларига катта эътибор қаратилган.

Ушбу қарор дастури доирасида спорт турлари бўйича Республика илмий спорт маҳорати мактаби ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штатлар жадвалига “спортчи” лавозимининг жорий этилиши Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим қадам вазифасини ўтайди.

Шунингдек, Дастурда спорт иншоотлари ва таълим муассасаларида дарсдан сўнг ўқувчилар, талабалар учун спорт тўғрисидаги клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш, бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларидаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида “Спорт тўғрисидаги ва селекция бўйича тренер” лавозимини киритиш белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг “Жисмоний тарбия ва спорт аълочили” кўрак нишонининг таъсис этилиши соҳа фидойилари меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дастурга кўра, ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари дастурларини спортнинг оммавий турлари ҳисобига кенгайтириш, нуфузини ошириш, мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлаш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб, мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Республика ҳамда ҳудудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилиши, спорт масканлари ва клубларига маҳоратли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва ҳолислик чораларининг амалга оширилиши халқаро турнирларда спортчиларимиз янада улкан ютуқларга эришишларини таъминлайди.

Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2017-2021 йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган. Шу йиллар мобайнида 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси, 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш режалаштирилган.

Ушбу қарор жисмоний тарбия ва оммавий спорт ривожига муҳим ҳисса қўиши, болалар, ўсмирларни спортга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида қабул қилинган энг муҳим ҳужжат бўлди. Энди ҳамма гап қарорни ижрочилар томонидан бекаму кўст бажарилишида. Шунда келахакда жисмоний тарбия ва оммавий спорт бўйича кенг қўламада бажарилган ишлар янада кўпроқ самара беради.

Махбуба КУРБОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг етакчи мутахассиси

“101”

ЭХТИЁТКОРЛИК ЎЗ ФЙДАМИЗ

Ёнғин хавфсизлиги ходимларига юклатилган асосий вазифалар аҳоли тинчлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлашдир.

Йилдан йилга ёнғинларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида жамоатчилик билан кўпроқ алоқада бўлиб, улар билан “Олов — тилсиз ёв” мавзусида турли суҳбатлар ўтказилмоқда. Лекин шунга қарамай аксарият ҳолларда ёнғинлар айнан аҳоли турар жойларида, кўп қаватли биноларда содир этилаётганлигини инкор қилиб бўлмайди. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолатларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёки уни назар писанд қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида оққат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар.

Бунда ҳар бир инсон ўзи бир хулоса чиқариши зарурдир. Чунки ёнғин уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради. Ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаёти, соғлиғи, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонлар, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз!

Файрат ЮНУСОВ,
ЁХБ 24-ХЕХК бошлиғи, майор

БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Яқинда кўп қаватли уйлар ҳовлисида бир мунозаранинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл ҳовли супуриб, ахлат уюмини ёқиб юборапти. Иккинчи қаватдаги аёл эса унинг хонадонни рўпарасига тўппагани учун койиди-да, қўявермайсизми, керак бўлса йиғиб ўзлари олиб кетишади, сизга нима супуриб уйини олдида ахлат тўппаб, деб ўз фикрини билдирди. Айримлар биринчи аёлнинг ишини савобга қўйиб маъқуллашди, баъзилар эса иккинчи аёлнинг гапини...

Лекин ахлат уюмининг тутуни атрофни “тўлдирётганлиги” ҳеч кимни безовта қилмади. Тозаликка интилиш яхши одат, қолаверса биринчи аёл айтганидек савобга қаршилигимиз йўқ, албатта. Лекин савоб ишни охирига қилиш савобнинг шартларидан бири эканлигини ҳам унутмаслик керак-ку? Яхшилиқ қиламиз деб ноҳуш ҳолатга сабаб бўлиб қолмайсизми?

Ахлатларнинг ост қисмидаги ёнмай қолган ҳам жойлари узоқ вақт тутаб ётмишдан атроф муҳит, табиат зарар кўрмайдими. Энг асосийси инсонлар саломатлигига путур етмайдими? Бу каби саволлар ҳеч кимни қизиқтирмаётганга ўхшади.

Юқоридаги ҳолатни кўрган олов ёқиб ўйнаша “иштиёқи баланд” болалар ҳам бунинг тақдорлаши эҳтимолдан узоқ эмас.

Хуллас саволлар, муаммолар кўп. Уларнинг ечимлари эса ўзимизга боғлиқ. Бу масала фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизматининг вазифаси бўлиб қолмай, ҳар бир фуқаронинг кундалик бурчига айланоми, катталар эса уларга намуна бўлмоғи зарур. Ана шундагина осмонимиз мусаффолиги, табиатнинг бетакрорлигини сақлашга улуш қўшган бўламиз.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
ЁХБ 24-ХЕХК кичик инспектори, катта сержант

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шўсланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 19 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғишарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида — 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.

Спорт янгиликлари

БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича 22 ёшли чарм тўп усталари ўртасида уюштирилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

Қатар, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари иштирокида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақият қозонишди. Бирор учрашувда маглубиятга учрамаган ёшлар терма жамоамиз дастлабки баҳсларда қирғизистонлик ва қатарлик тенгқурларини бир хил — 1:0 ҳисобида енгишга эришган бўлсалар, 3-турда қирғизистонликларини 2:0 ҳисобида маглуб этишди. Ёшлар терма жамоамиз галабаларига Бобур Абдуқоликов чиройли голлари билан катта ҳисса қўшди. Ушбу зафар эвазига терма жамоамиз муддатидан

аввал халқаро турнирнинг бош соврини эгасига айланди. Сўнгги турда қатарликлар билан ёшларимиз муроса йўлини танлашди. Уйин 1:1 ҳисобида якунланди. Рақиблар дарвозасини яна Бобур Абдуқоликов аниқ нишонга олди.

Ушбу мусобақа ёшлар терма жамоамизга келгуси йили Хитойда 23 ёшли футболчилар ўртасида ўтказиладиган қитъа биринчилигига саралаш турнири олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди. Осиё чемпионатида саралаш баҳслари эса жорий йилнинг 15-19 июль кунлари БААда уюштирилади.

Амалдаги чемпион “Локомотив” жамоаси иккинчи даврага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Беларусь пойтахти Минск шаҳрига йўл олди.

ИККИНЧИ ДАВРАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Минскда ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғини доирасида темирйўлчилар хоржик клубларига қарши назорат-ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишади. 21 июлгача давом этадиган машғулотларда “Обод” жамоаси аъзоси, машғулотларни ҳаракатлари темирйўлчилар мураббийларига маъқул келса, у иккинчи даврани “Локомотив” сафида ўтказиши мумкин. Шунингдек, ўтмишда ўзининг ишончли ўйинлари билан муҳлислар ёқимтойига айланган мураб-

бий Андрей Фёдоров энди “Локомотив” мураббийларидан бири ҳисобланади. Маълум бўлишича, Фёдоров айнан бош мураббийга ёрдам беради.

Иккинчи даврага тайёргарлики “Пахтакор” “Жар” стадионида ўтказмоқда. Машғулотларни хоржиклик мураббийлар олиб боришмоқда. Дарвозабонлар билан туркиялик Иброҳим Йилмаз шуғулланмоқда. Жамоа раҳбарияти шу кунгача бразилиялик Тьего Безерра, исроиллик Гиди Канук, шунингдек, “Насаф” аъзолари — Шерзод Аъзамов ва Элдор Суянов билан шартно-

ма тузишга улгурди.

Миржалоил Қосимов бош мураббийлигида иккинчи даврага тайёрланаётган “Бунёдкор” жамоаси ўз сафига “Обод” ҳужумчиси Шохрўз Норхоновни қўшиб олди. Норхонов ва “Бунёдкор” ўртасидаги шартнома 2,5 йилга мўлжалланган.

“Обод” клуби раҳбарияти ташаббуси билан мураббийлар ва футболчилар иштирокида ўтказилган йиғилишда молиявий танглик сабаб жамоа фаолияти тугатилганлиги эълон қилинди.

Ақбар Йўлдошев

Реклама ва эълонлар

• Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2011 йилда Дадабаева Ноила Абдугаппаровна номига берилган № 058744-сонли магистр дипломи кўчирмаси ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• Тошкент шаҳри, Олмазор туманида жойлашган собиқ 23-мактаб томонидан 1992 йилда Закиров Давранбек Тулкунович номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• 1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2005 йилда Тулаганова Дилноза Бахритдиновна номига берилган К № 279884-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қозғо бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ахмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 16.40